

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2015-yil 28-fevral, shanba № 17 (15863)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
**ҚАРОИ**

## 2015 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Неча минг йиллар давомида азалий қадриятларимизни ўзида муҳасам этиб, аҳдодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган Наврўзнинг истиқлол йилларида ҳаётимиздаги ўрни ва моҳияти тобора ошиб бормоқда. Халқимиз учун табиат уйғониши, шарқона янги йилнинг бошланиши, асл миллий, энг ардоқли байрам бўлмиш Наврўз айёмини юртимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларида ҳар томонлама чуқур тайёргарлик билан кутиб олиш ва нишонлаш эзгу, бир сўз билан айтганда, табиий анъанага айланиб қолди.

Ушбу миллий байрамнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири, инсоннинг табиат билан ҳамоҳанг бўлиб яшаши, жамиятимизда меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик, кексаларга эъзоз ва эҳтиром, кичикларга иззат кўрсатиш, одамийлик, яхши қўшничилик, хайр-саховат, бағрикенглик ва бунёдкорлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш борасида Наврўзнинг моҳияти ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини инобатга олиб ҳамда бу қутлуғ айёмни юксак савияда нишонлаш мақсадида:

1. 2015 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий кўмита Наврўз байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Тадбирлар режасини тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

айни Наврўз фаслида инсон ўзини табиатнинг ажралмас, узвий бир қисми сифатида ҳис этишини ифода қиладиган, атрофмуҳитни, она заминни эъзозлаб, унинг неъматларини, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

жойларда бўлиб ўтадиган тадбирларда, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамнинг та-

рихи, уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш;

мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимиз учун сеvimли байрамга айланган Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида муҳасам бўлган аҳиллик ва тотувлик, меҳру саховат, ёши улуг инсонларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож инсонларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш;

янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши, яшариш ва янгилаши, қут-барақа, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз фаслида маҳалларда, шаҳар ва қишлоқларимизда хашарлар, кенг кўламдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган байрам дастурларига фольклор гуруҳлари, бадий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, бахши-шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини танлов асосида жалб этиш;

байрам дастурларини тайёрлашда фольклор санъатининг энг яхши намуналари, халқ ўйинларига, эл-юртимизнинг дилидан чуқур жой олган тарихий урф-одатларга, гўзал инсоний туйғуларни тараққий эттиришнинг муҳим кўрсаткичи бўлиб қолган кўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш.

3. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда хайрия маблағлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2015 йил 25 февраль

Zulfiya tavalludining 100 yilligi

## МАНГУЛИККА ДАХЛДОР ХОТИРА

Нафис баҳорий безаклар билан моҳирона зеб берилган «Туркистон» саройи саҳнида-миз. Байрам шуқуҳи. Элимиз суйган ижодкорлар, давлат ва жамоат арбоблари, шеърият шайдолари билан тўлган саройда ҳеч бир шодиёнадан кам бўлмаган кўтаринки кайфият.

(Давоми 2-саҳифада)



Отабек МИРСОАТОВ (ЎЗА) олган сурат

## ЯНАДА ЯНГИ, ЯНАДА МАЗМУНДОР

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати 2014 йил сарҳисобига бағишланган матбуот анжуманини ўтказди



Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган мулоқот чоғида «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раиси Баҳодир Фаниев йил давомида амалга оширилган лойиҳаларнинг натижалари ҳамда истиқболли режалар ҳақида маълумот берди. Таъкидланганидек, Ҳаракатнинг жорий йилги фаолият дастури янада янги ва мазмундор лойиҳалар билан бойиши кутилмоқда.

Олти минг нафардан зиёд ўғил-қизни ўз атрофида бирлаштирган юртимиздаги энг йи-

рик ёшлар ташкилоти ўтган йил мобайнида қарийб 37 мингга яқин турли тадбирларни ташкил этди. Юртимизнинг барча ҳудудларида «Камолот» шафелигида ўтказилган фестиваллар, давра суҳбатлари, учрашувлар, он-лайн мулоқотлар, мусобақа, беллашув ва акцияларга жами 18 миллион нафардан ортиқ ёш қамраб олинди.

(Давоми 3-саҳифада)

## Ватанни мадҳ этувчи фестиваль

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамда Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамкорлигида ўтказилаётган «Нима қилдик Ватан учун?» шиори остидаги ижодий фестивал ёшларни бир гоё атрофида бирлаштириш қаторида, жамиятимиз тараққиётидаги фаоллигини ошириш, шу Ватан меники ва мен унинг суянчиман деган эзгу мақсад билан илдам қадам ташлашга, она юртга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Мухбирларимиз ҳудудларда ўтказилаётган мазкур фестиваллар ҳақида хабар беради.

(Давоми 5-саҳифада)





# МАНГУЛИККА ДАХЛДОР ХОТИРА

(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)

Халқимизнинг суюкли фарзанди, забардаст шоира, ҳаёт ва муҳаббат куйчиси, ўзбек аёлининг матонатли ибрати, жамоат арбоби Зулфия хотирасига чуқур ҳурмат кеча меҳмонларининг дилларидан нигоҳларига кўчган.

Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантанали адабий-бадиий кечани Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов очиб берар экан, юртимизда ижод аҳлига қаратилаётган эътибор, адабиёт, санъат, маданият ва маънавиятимизни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, хусусан, шоира хотирасига муносиб эъзоз кўрсатиш, келажак авлодга ундан қолган меросни асраб-авайлаш каби эзгу вазифалар ҳақида сўз юритди.

Кечада, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Сирдарё вилояти бўлими раҳбари Ҳаётхон Ортиқбоева сўзга чиқиб, мамлакатимизда Зулфияхонимнинг издошларига кўрсатилаётган ғамхўрликлар, миллий адабиётимиз раҳнақига ҳисса қўша-

ётган ҳассос ижодкорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнатини қадрлаш, хотирасини ардоқлаб, асарларини нафақат халқимиз, балки жаҳон китобхонларининг қалбига чуқур муҳрлаш учун амалга оширилаётган ишларни санаб ўтдилар.

Тадбирда таъкидланганидек, Зулфияхоним шахси, ҳаёт йўли, ижодий фаолияти, дарҳақиқат, келажак авлодга, айниқса, ҳар бир ўзбек қизига ибрат бўлишга арзигулик. Жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида эътироф этилиб, Жавоҳарлаъл Неру номидаги халқаро мукофотга, тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи асарлари учун халқаро «Нилуфар» мукофоти, шунингдек, «Кирилл ва Мефодий» орденига сазовор бўлган шоира, бутун умр ўзининг «Ўзбекнинг Зулфияси» эканидан ғурурланиб яшади.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани, 2008 йилда пойтахтимизда шоира хотирасига бағишлаб маҳобатли монумент барпо этилгани, қорақалпоқ, инглиз ва бошқа бир қатор тилларга таржима қилинган шеърий тўпламлар унинг ёди ва ижодига қаратилаётган юксак эътибордан далолат.

Президентимиз таъкидланганларидек, энг буюк жасорат — бу маънавий жасорат: «Нафақат ўз шеърлари, балки бутун ҳаёти билан ўзбек аёли-

нинг маънавий қиёфасини намойён этган атоқли шоирамиз Зулфияхоним ана шундай фидойи инсонлардан. Унинг жаҳон минбарларидан янграган шеърлари Шарқ аёлининг ақлу закоси, фазлу камолининг ёрқин ифодаси сифатида миллионлаб шеърят муҳлисларига одамийлик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ берган. Лекин бу мураккаб ҳаёт қалби ўз халқи ва Ватанига меҳр-муҳаббат билан тўлиб-тошган, дунёдан эзгулик ва гўзаллик излаб яшаган бу аёлни ҳамма вақт ҳам аягани йўқ. Аслида, бу дунёда айрилиқ ва ҳижрон азоби барчанинг ҳам бошида бор. Аммо ғам-андуҳ ва ҳасратларни матонат билан енгиб, тоғдек бардоши билан вафо ва садоқат рамзига айланган Зулфия опа сингари аёллар ҳар қандай юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносибдир».

Тантанали кечада Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг келини Риоя Олимжонова Юртбошимизга, халқимизга, шоиранинг хотирасига кўрсатилган юксак эҳтиром учун миннатдорлик билдирди. Тадбир давомида Зулфия ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида суратга олинган ҳужжатли фильм намойиш этилиб, санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерт дастури намойиш этилди.

**Парвина ОМОНОВА,**  
**«Turkiston» мухбири**

## Xabarlar

Республикаимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш, кадрлар салоҳиятини ошириш, замонавий ташхис усулларини жорий этиш, аёллар, болалар ва ўсмирлар касалликларининг олдини олиш ҳамда даволашга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

## ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш учун амалга оширилаётган ислохотларни жамоатчиликка етказишда ОАВнинг роли» мавзуида илмий-амалий семинар ташкил этилди.

Унда халқимизнинг соғлом ва муносиб ҳаёт кечиршини таъминлаш, «Соғлом она — соғлом бола» дастурини изчил амалга ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама соғлом авлодни камол топтириш, шунингдек, соҳада амалга оширилаётган ишларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилишига оид масалалар муҳокама қилинди.

— Аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази ва унинг 13та минтақавий филиали ташкил этилган, бу тиббиёт муассасалари сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом оилани шакллантиришга

оид билимларини юксалтиришга хизмат қилмоқда, — дейди Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази директори Маҳмуда Каттаҳўжаева. — Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган давлат дастури асосида юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий скрининг марказлари ташкил этилди. Бу эса кўлаб туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволашни юқори даражага кўтариш имконини беради.

Мамлакатимизда аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашнинг аниқ механизми яратилди. Ўтган йиллар мобайнида оилани мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу йўналишда барча зарур ҳуқуқий асослар яратилди. Хусусан, Конституцияимизда оила жамиятнинг асосий бўлини ва давлат муҳофазасида эканлиги белгилаб қўйилган. Оила Кодекси ва бошқа қонунлар ҳам аёллар, оналар манфаатининг мустаҳкам ҳимоясидир.

**Назокат ҚУРБОННЎЗОВА,**  
**«Turkiston» мухбири**

## Qadriyat

# Фахрий полвонлар эъзозда

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида «Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари оммавийлигини оширишда фахрий полвонларнинг ўрни» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда вазирлик раҳбарияти, миллий спортимиз арбоблари, фахрий полвонлар, институт профессор-ўқитувчилари ҳамда юқори натижаларга эришаётган ёш спортчилар иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққан Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари М.Алиев ва бошқалар томонидан миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари оммавийлигини оширишда фахрий полвонларимизнинг ўрни беқиёс экани, ҳаёт чигирналарида тобланган, ўз меҳнати орқали жамиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган кекса авлоднинг босиб ўтган йўллари, эришган натижалари ёшлар учун катта мактаб вазифасини ўташи таъкидланди.

— Миллий спорт турла-

ри ва халқ ўйинлари фарзандларимизнинг нафақат жисмонан бақувват, балки маънан етук инсонлар бўлиб вояга етишига ҳам хизмат қилади, ёшларда мардлик, жасурлик, фидойилик, ватанпарварлик фазилатларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади, — дейди «Миллий спорт маркази» директори Зокир Расулов. — Марказимиз 2014 йилнинг август ойида қайтадан ташкил этилди. Миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини янада оммалаштириш мақсадида ўтган йили Жиззах ва Наманган вилоятларида турли фестиваль ва мусобақалар ўтказилди.

Шубҳасиз, халқимизнинг миллий қадриятларидан саналган миллий спорт турлари ва халқ ўйинларига берилаётган алоҳида



эътибор ёш авлодда унга бўлган қизиқишни оширади ва миллий ўйинлар билан шуғулланувчилар сонининг кўпайишига замин яратади. Бугунги кунда миллий спорт турлари билан мунтазам шуғулланаётганлар сони 193 минг 220 нафарни ташкил этаётганининг ўзиёқ унинг мамлакатимизда янада оммалашиб бораётганидан далолатдир.

Тадбирда миллий спорт

турлари ва халқ ўйинларини янада ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида фахрий полвонларнинг фаолиятини кенг тарғиб қилиш, бу борада таълим-тарбия масканларида машғулотларни миллий спорт турларидан фойдаланган ҳолда олиб бориш масалалари муҳокама қилинди.

**Санжар ИСМАТОВ,**  
**«Turkiston» мухбири**

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Спорт — нафислик ва саломатлик манбаи» шиори остида фестиваль ташкил этилди.

## Кучли, гўзал ва нафосатли

Унда вазирлик, идора ва ташкилотларда фаолият юритаётган 168 нафар хотин-қиздан иборат жамоалар волейбол, стол тенниси, шашка ва гимнастика бўйича ўзаро беллашди. Бундай мусобақаларнинг ўтказилиши аёллар саломатлигини асраш, уларнинг ўз соғлиғига бўлган эътиборини кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

— Айни пайтда республикаимизда уч миллионга яқин хотин-қиз мунтазам равишда спорт билан шуғулланиб келмоқда. Спорт уларнинг ҳаёт тарзига, оиласига кириб борса, бу уларга фақатгина фойда бўлади. Чунки спорт гўзаллик, нафосат, саломатлик гаровидир. Она соғлом бўлса, спортга ошно бўлса, оиласида ҳам соғлом турмуш тарзи ғояларини илгари суради, жамиятимиз ривожланишига муносиб ҳисса қўшади, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси бўлим бошлиғи Дилбар Алимжонова.

Мусобақада 12та вазирлик, идора ва ташкилот ўз жамоалари билан иштирок этди. Беллашув ғолиблари ва совринли ўринларга эришган қатнашчилар Хотин-қизлар кўмитаси ва ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

**Майсара НАЗАРОВА,**  
**«Turkiston» мухбири**



# ЯНАДА ЯНГИ, ЯНАДА МАЗМУНДОР




**(Давоми, бошланиши  
1-саҳифада)**

Бугунги кунда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати тизимида 14877та бошланғич ташкилот, шунингдек, ёшларга ижтимоий, оилавий масалалар, психологик ва бизнес соҳасига доир консултьатив хизматлар кўрсатувчи марказлар, тенгдошларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда хорижий тилларни пухта ўрганишларида кўмаклашувчи клублар фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ҳаракат қошида “Камалак” болалар ташкилоти, ёшлар муаммоларини ўрганувчи “Етакчи” ёшлар маркази, “Ўқув-услубий марказ”, “Бунёдкор” ёшлар телеклуби мавжуд.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг изчил, тизимли ва узлуksиз амалга оширилишини таъминлаш мақсадида 2012 йилдан буён ҳукумат даражасида чора-тадбирлар дастури қабул қилинмоқда. Ушбу муҳим ҳужжат ўтган йили илк бор Президентимизнинг махсус қарори билан кучга кирди. У ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ва демократик ислохотлар жараёнидаги фаоллигини ошириш, маънавиятини юксалтириш ҳамда мафкуравий таҳдидлардан асраш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, иқтидор соҳибларини қўллаб-қувватлаш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик профилактикаси, ахборот-коммуникация технологиялари, спорт ва соғлом турмуш тарзи йўналишларида ранг-баранг лойиҳаларни ўз ичига қамраб олган. Дастурга киритилган 67та банднинг деярли барчасининг ижросида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бевосита ҳамда ўттиздан ортиқ давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик асосида иштирок этгани янада эътиборлидир. Бу юртимизда ёшлар масалаларига доир давлат сиёсатини юритишда нодавлат секторнинг улуши нечоғли катта ва аҳамиятли эканини тасдиқлайди.

Матбуот анжуманида “Камолот” ЁИХ ташаббуси билан амалга оширилган энг ёрқин лойиҳалар ҳақида батафсил сўз борди. Бунинг учун ташкилотчилар томонидан ҳатто ўзига хос иллюстратив материал — инфографика (юқоридаги суратга қаранг) тайёрланди. Унда акс эттирилган аксарият лойиҳалар аъъанавий бўлишига қарамай, орасида мутлақо янгилиги ҳам бор. Масалан, ўтган йили “Камолот” ЁИХ илк маротаба Ўзбекистонда ёшлар туризмини ривожлантиришга қаратилган “Янги нигоҳ” видеороликлар танловини ташкил этди. Лойиҳага ёшлар мамлакатимиз тарихи, бой маънавий ва маданий меросимиз, миллий қадриятлар, қадимги ёдгорликлар, экотуристик манзиллар ҳақидаги 300га яқин видеоматериалларини тақдим этди. www.videotanlov.uz сайтида уларнинг махсус медиатекаси шакллантирилган. Ҳарқалай, “Камолот” ҳазинасида медиа соҳага тааллуқли бошқа лойиҳалар ҳам мавжуд.

Тенгдошларимизга яхши таниш бўлган “MIT.uz” — Миллий интернет танловида ўтган йили 1,3 минг нафардан ортиқ ИТ билимдони веб-ишланмалари билан қатнашди. Мазкур лойиҳа



миллий интернет сегментини ўзбек тилидаги ижтимоий жиҳатдан фойдали, хавфсиз, муҳими, ёшлар учун қизиқарли ахборот манбалари билан бойитишга хизмат қилмоқда. Таъкидлаш керак, танловга топширилган ишларнинг 60 фоизи “Uz” доменда янги қайд этилган сайтлардир.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати нодавлат ташкилотлари ичида биринчи бўлиб ёшларнинг суд ҳокимияти ва давлат бошқаруви органлари билан бевосита учрашувларини ташкил этиш, шунингдек, ёшларга оид қонун лойиҳаларини уларнинг иштирокида муҳокама қилиш тажрибасини йўлга қўйди. Натижада жами 300 минг нафарга яқин ўқувчи ва уюшма-

Ушбу тажриба жорий йилнинг 29 март куни бўлиб ўтадиган Президент сайловларида ҳам асқотса, ажаб эмас.

Ҳаракатнинг ёшларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш йўналишида олиб бораётган фаолиятида ижобий тенденцияга эришилгани йўғиришда алоҳида қайд этилди. Гап “Менинг бизнес фоям” ва “Ёш тадбиркор — юртга мададор” танловлари ҳақида. Охириги икки йил мобайнида уларда коллеж битирувчиларининг иштироки 3,5 бараварга ортгани салмоқли натижадир. Ўтган йили 136 минг нафардан ортиқ йигит-қиздан 1523 нафари ғолиб бўлиб, 15,7 миллиард сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини қўлга

учун 47та кўп қаватли тураржойларни қуриш кўзда тутилган. Дастлабки бештаси ўтган йили фойдаланишга топширилди. Эслатиш керак, “Камолот” уйлари турли соҳаларда муҳим ютуқларга эришган, давлат стипендиялари, мукофотлари билан тақдирланган иқтидорли ва ижтимоий фаол ёш оила вакилларига имтиёзли ипотека кредитлари асосида берилади. Ҳозирга қадар 50та ёш оила янги хонадонларга кўчиб ўтди. Тошкент шахрида қурилаётган “Камолот” уйлариининг илк соҳибларига эса сертификатлар матбуот анжумани доирасида тантанали равишда топширилди.

Маънавий-маърифий лойиҳалар Ҳаракат фаолиятида устувор аҳамиятга эга. Улар орасида географик кўлами ва қамрови жиҳатидан энг йириги “Биз буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остидаги ёшлар фестивалларидир. Республикаимизнинг барча минтақалари, ҳатто олис овулу тоғли ҳудудларгача кириб борган ушбу лойиҳага ўтган йилнинг ўзида 1,1 миллиондан зиёд ёш жалб этилди. Ҳар бир фестиваль узоқ вақтдаги минг-минглаб тенгдошларимизни таниқли санъаткорлар, спортчилар, олимлар, маданият соҳаси вакиллари билан юзма-юз учраштириб, долзарб мавзуларда сўхбатлар қуриш, иқтидорини намоён этиш имконини яратётгани билан аҳамиятлидир. Бир сўз билан айтганда, ёшлар фестиваллари давлат ва жамиятнинг энг фаол қатлами ўртасида “ижтимоий кўприк” вазирасини ўтамоқда.

Баҳодир Фаниев “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати икки йилдан буён амалга оширилаётган “Камолот” кутубхонаси” лойиҳаси хусусида алоҳида тўхталди. “Камолот” кутубхонаси” туркумида шу кунга қадар 45 турдаги 221 минг нусхадан зиёд ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарлари чоп этилиб, барча таълим муассасаларига бепул тарқатилди. Ёшлар орасида китобхонлиқни оммалаштириш учун Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотларида ҳам “Камолот” кутубхоналари ташкил қилинмоқда. Матбуот анжумани олдидан Ҳаракат ташаббуси билан чоп этилган китобларнинг кўргазмаси бўлиб ўтди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг спорт тақвимида

12та лойиҳа ўрин олган. Шахмат, футбол, бадий гимнастика, велоспорт, энгил атлетика, бадминтон, стол тенниси бўйича аъъанавий мусобақа ва турнирлар шулар жумласидан. Ўтган йили уларда 2,5 миллиондан зиёд ёш, шу жумладан 552 минг нафар қиз қатнашди. Ўрта махсус, касб-хўнар таълими тизимида илк маротаба футбол бўйича “Камолот” кубоги” мусобақаси ўтказилди. Меҳнат жамоаларидаги бошланғич ташкилотлар фаоллари ўртасида эса миллионлар ўйинидан ташқари, футзал ва шарқ яккакураши ҳам ривожланмоқда.

Ҳаракатнинг саломатлик йўналишидаги лойиҳалари ҳам сўнгги йилларда тизимлилик касб этди. Бу пировард натижада “Камолот” аъзолари ва бошқа кўнгилли ёшлардан иборат “Саломатлик тарғиботчилари” гуруҳларининг шаклланишига олиб келди. Улар ҳозир барча туман ва шаҳарларда фаолият кўрсатмоқда. Саломатлик тарғиботчилари ОИТС, гиёҳвандлик, ичкиликбозликка ва кашандаликка қарши, шунингдек, шахсий гигиена масалаларида ўз тенгдошларининг тиббий маданиятини оширишни олдиға мақсад қилган. Истиқболда бундай гуруҳлар саломатлик йўналишидаги кўнгиллилар ҳаракатига айланиши эҳтимолдан холи эмас. Ўтган йили “Камолот” ЁИХ кўнгиллилар кўмағида навбатдаги янги ташаббус — “Ёшлар ЭКО ҳаётни танлайди” лойиҳасини ишга туширди. Табиий ресурсларни тежашга қаратилган ушбу лойиҳа доирасида жойларда икки мингга яқин тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Бир неча ой олдин Ҳаракат тизимида иш бошлаган “Мунозара” клублари йил давомида тақомиллаштириб берилади. Асосий янгилик — бўлғуси нотиклар учун машғулотларни инглиз тилида олиб бориш кўзда тутилган. Шунингдек, жорий йилдан бошлаб “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати республика бўйлаб хорижий тилларни ўрганиш марказларини ташкил этмоқда. Дастлабкиси яқинда Термиз шахрида қуриб битказилган замонавий “Ёшлар маркази”да очилди. Тил маркази 2 мингдан ортиқ ўқув адабиётлари ҳамда 200дан зиёд медиа материаллар билан таъминланган. Навбатдаги шундай марказ тез орада Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши биносида ишга тушади.

Матбуот анжуманининг иккинчи қисмида ёшлар ташкилоти вакиллари журналистлар саволларига атофлича жавоб берди. Усусан, оммавий ахборот воситалари ходимлари ёшларга оид қонун лойиҳаларининг муҳокамалари жараёнида тўпланган тақлифлар депутатлар томонидан нечоғлиқ инobatга олингани, “Камолот” ЁИХ маҳаллий кенгашлари қошидаги 96та “Ёшлар ижтимоий хизматлари” марказининг тақдирини, Марказий Кенгаш тасарруфидаги “Камолот-Турне” шўъба корхонасининг истиқболни, ўтган йили Ҳаракат томонидан ўтказилган “Кино ва ёшлар” форумининг самараси билан қизиқди.

**Наргиза УМАРОВА,**  
**“Turkiston” муҳбири.**  
Рустам Назарматов олган суратлар.





## Imkoniyat

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида 2014–2015 ўқув йили битирувчиларини ишга тақсимлаш мақсадида «Ёш мутахассис — 2015» меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда вазирликлари, қўмиталар, жамоат ташкилотлари, вилоятлардаги етакчи корхона ва ташкилотлар вакиллари ва талабалар иштирок этди.

# ТАЛАБАГА ИШ ЎРНИ ТАЙИН

таъминланди.

— Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида ёшлар масаласи, уларнинг таълим олиши ва касб танлашлари учун зарур шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди университет ректори, профессор Ф.Муҳаммедов. — Бугунги ярмарка ҳам бунинг ёрқин исботидир. Шубҳасиз, назарий-амалий билимларни мукамал эгаллаган, иш фаолиятни замонавий техника ва технологиялар ёрдамида бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ташкил қила оладиган талабаларимиз университетда олган билимларини ўз

бўш иш ўринларига зарур номзодларни танлаб олиш имконига эгадир. Бинобарин, таълим муассасасини битираётган йигит-қизлар ҳам ана шундай тадбирлар орқали ўзлари истаган ишни топишга муваффақ бўлади. Мазкур ярмаркада юртимизда турли йўналишлар бўйича фаолият юритиб келаётган ўттиздан ортиқ ташкилотлар иштирок этди.

— Мазкур ярмаркада иштирок этганимиздан мамнунмиз, — дейди «Махам-Чирчиқ» акциядорлик жамияти ходимлар тайёрлаш ўқув маркази муҳандиси Гулнора Юсупова. — Бугун бир қанча ёшлар билан янги шартномалар тузишни ният қилганмиз. Ишончим комилки, бугун бу ерда янги иш ўрнига эга бўладиган ёшлар ўз иш фаолияти жараёнида янги ғоялари билан муносиб меҳнат қилади.

Корхона ва ташкилотларда битирувчиларни ишга қабул қилишда ортиқча расмиётчиликка йўл қўймаслик, ёш мутахассисларнинг иш шароитига мослашиши учун қулайликлар яратиш ҳамда уларни янги меҳнат жараёнига тезда кўникиб кетиши учун тахрибали мутахассисларга бириктириб қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2010 йил 28 июлда қабул қилинган «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшим-



Рустам Назарматов олган суратлар

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, аввало, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлиари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шароитлар яратиш ижтимоий сиёсатимизнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланган. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 майида қабул қилинган «Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан бугунги кунда юртимизда шу мақсадга йўналтирилган қатор марказлар иш олиб бормоқда. Улар мавжуд иш ўринлари билан аҳолини мунтазам хабардор этиб бораётир.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий университети ректори Фафуржон Муҳаммедов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида аҳолини, жумладан, ёшларни иш билан таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани ва бу борада юксак самараларга эришилаётганини таъкидлади.

Президентимиз И.Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлаган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиши ва янгилаш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттиришни қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга ошириш натижасида 2014 йилда мамлакатимизда 1 миллионга яқин янги иш ўрни ташкил этилди. Уларнинг 60 фоизи қишлоқ жойларда яратилгани, айниқса, эътиборлидир. Биргина таълим муассасаларининг 600 мингдан зиёд битирувчиси ўтган 2014 йил давомида янги иш ўринлари билан



меҳнат фаолиятлари давомида муносиб равишда қўллади деб ишонамиз.

Жорий ўқув йилида Ўзбекистон Миллий университетини жами 2316 нафар битирувчи тамомлайди. Шундан 1746 нафари (жумладан, 586 нафари давлат гранти, 1158 нафари тўлов-контракт асосида) бакалаврият, 570 нафари (жумладан, 130 нафари давлат гранти, 439 нафари тўлов-контракт асосида) магистратура босқичлари битирувчиларидир. Уларни ўз соҳалари бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиши учун кўмак бериш мақсадида ташкил этилган ушбу ярмарка талаба-ёшлар томонидан қизғин кутиб олинди.

«Ёш мутахассис — 2015» сингари тадбирлар янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг амалга оширилиши, янгиликка ўч, юксак билимли, ёш ва интилувчан йигит-қизларнинг кўплаб соҳаларда фаолият юритишига хизмат қилаётир. Ярмарка корхона, ташкилот ва муассасалардаги бўш иш ўринларини тўлдиришнинг энг мақбул йўли бўлиб, айнан шу ерда иш берувчи мавжуд

ча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони битирувчиларни иш билан таъминлаш имкониятларини янада кенгайтди.

— Бугунги меҳнат ярмаркаси биз, талабалар учун айни муддао бўлди, — дейди ЎзМУ журналистика факультети IV курс талабаси Ихтиёр Маҳматкулов. — Тўрт йил давомида олган назарий билимларимизни амалиётда синаш вақти келди. Ярмаркада иш берувчилар томонидан таклиф этилган бўш иш ўринлари барча соҳаларни қамраб олгани билан ҳам эътиборлидир.

Ҳа, кейинги йилларда меҳнат бозорида бўш иш ўринларини таклиф этувчи ярмаркалар ўтказиш анъана тусини олмоқда. Бу эзгу анъана шарофати билан интеллектуал салоҳияти оқори йигит-қизлар жамиятда муносиб ўринларга эга бўлаётгани эртанги кунга ишонччи минг чандон орттиради. Зотан, миллатнинг умиди, таянчи, бахти ва ишончи бўлган ёшлар нафақат келажакнинг, балки бугунги куннинг ҳам ҳал қилувчи кучидир.

**Санжар ИСМАТОВ,**  
«Turkiston» мухбири

## Diqqat, tanlov!



## ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» X МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг омалаштириш, ОАВ ходимларининг фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янги ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» X Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказди.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2014 йилнинг 31 мартидан 2015 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2015 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

**Танлов ғолиблари учун куйидаги мукофотлар таъсис этилган:**

**Журналистика соҳасида беш миллий мукофот.**

Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);

энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);

энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ — 1-, 2-, 3-ўринлар);

энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин

қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

**Рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинациялар:**

энг яхши фоторепортаж; энг яхши матбуот хизмати.

Мазкур номинациялар ғолиблари диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

«Олтин қалам» танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмағида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва республикамиздаги жамоат ташкилотлари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

**Танлов шартлари:**

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъий назар, 3 дақиқадан 30 дақиқача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (CD, DVD дискда) 5 дақиқадан 30 дақиқача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

**Танловга юборилган материалларга куйидагилар илова қилиниши лозим:**

— муаллиф ҳақида маълумотнома;

— муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари; — паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанили мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини арафасида «Turkiston» саройида ўтказилади.

Мукофот бир шахсга тақдоран берилмайди.

Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда куйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси,  
30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий  
уюшмаси, 3-қават, 35-хона.  
Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87.  
[www.journalist.uz](http://www.journalist.uz)



Obod yurtim

# ЯНГИ ОҲАНГДА КУЙЛАЁТГАН КЎНГИЛ

Худойберди Тўхтабоев номини эшитган ёшу қари китобхон тасаввурида беихтиёр беғуборлик тимсоли гавдаланади. Адиб қарийб олтмиш йилдан бери ўзбек ва жаҳон адабиёти ривожига ўзининг бетакрор асарлари билан муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Устоз муборак 83 ёшда бўлишига қарамай, ҳамон ижоддан, изланишдан тўхтагани йўқ.

2014 йилда адибнинг «Янги оҳангда куйлаётган вилоят» (очерк ва ҳикоялар тўплами) китоби «Янги аср авлоди» нашриётида чоп этилди. Истиқлол бошқа соҳалар қатори қишлоқ ҳўжалиги ва тадбиркорлик учун ҳам катта имкониётларга йўл очди. Фермерлик ва тадбиркорлик юқори суръатларда ўсиб, тобора юксалиб бораёттир. Юртимизнинг барча ҳудудларида жавлон уриб меҳнат қилаётган, пешона тери эвазига кундан-кунга шижоати ҳам, моддий даромади ҳам ортаётган фермерларни кўплаб учратамиз. Тошкент вилояти бўйлаб ижодий сафарга чиққан адиб ушбу китобда ана шундай фидойи фермер ва тадбиркорлар ҳаёти, фаолияти ва қатор муваффақиятлари хусусида сўз юртади.

Юртбошимиз «Фермер — бугунги жамиятнинг энг фаол аъзоси», «Қишлоқ ҳўжалигидаги ўзгариш — бутун ҳаётимизни ўзгартиради» деб бежиз айтмаган.

— Турмушимизни янада обод қилиш, таъбир жоиз бўлса, меҳнатсевар халқимизнинг умуммиллий ҳаракатига айлангани рости. Буни мен биргина Тошкент вилоятининг 17та тумани, 3та шаҳрида яшаётган юртдошларимиз меҳнати, амалга ошираётган ишлари тимсолида кўрдим. Фермерлар, тадбиркорлар, хусусий мулк эгалари олиб бораётган, ўз меҳнати ортидан катта муваффақиятларга эришаётган фидокор кишилар билан мириқиб суҳбатлашдим. Сўзларини ён дафтаримга ёзиб олдим, — дейди адиб. — Вилоятда ёшдир, қаридир, фермердир, янги иш бошлаган тадбиркордир — ҳаммаси ана шундай янгиликларга жалб этилаётганининг гувоҳи бўлдим.

Адиб олти ойлик сафари давомида, далаларда гўзаси қийғос гулга кирган деҳқонлар билан мириқиб суҳбатлашди, қишлоқ ҳўжалиги коллежини битириб, тадбиркорлик фаолиятини бошла-

ган тенгдошларимиз даврасида, бири-бирдан ширин мевалар етиштираётган соҳибкорлар ҳузурида бўлди. Уларнинг фаолияти билан танишди. Буғдойдан мўл ҳосил олиб, юқори хирмон кўтарган, хирмонидан-да улкан кўнгили деҳқонлар билан суҳбатлашди.

Китобда қаҳрамонлар ҳаёти турли қизиқ воқеалар орқали реал акс эттирилган. Муаллиф очерклар орқали вилоят туманларида фаолият кўрсатаётган фермер ҳўжаликлари ва корхоналарда етиштирилаётган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдори, ўсиш суръати, ишчи кучи, ҳамкорлари ва йиллик даромади ҳақида статистик маълумотлар беради.

## ОҲАНГАРОНДА УЧРАШУВ

— Эҳ, болам, бу ёмғирнинг ҳам кўп ҳикмати бор-да, — деди устоз Худойберди Тўхтабоев, автомобил ойнасидан ташқарига шукроналик нигоҳи билан боқиб.

Машинада адибнинг ўғли Баҳром ака (рулда), ёш шоир Ботир Эргашев ва суратчи акамиз Оҳангарон томон янги китоб тақдими ва ёшлар билан ижодий учрашув ўтказиш учун йўл тортаяпмиз. Осмон кулранг тусга кирган, ёмғир бир маромда севалаб ёғаёттир. Улов равион йўлдан тулпордек елади. Икки ёнда уйғонган баҳор кайфиятни кўтаради.

— Кун совиб кетди-да, бўлмаса бир ялпиз терардик. — Улуғ ёзувчининг бу гапидан самимийлик гупурди. Шунда беихтиёр «Кексалик мўралаб эшик қоқмоқда, Болалик бошқатдан қайтарилмоқда» мисралари ёдимга тушди.

— Мен бу ерларда кўп бўлганман, 1958 йилдан то 1963 йилгача «Тошкент ҳақиқати» газетасининг Оҳангарон тумани бўйича сайёр мухбири эдим. Эсимда, Тошкент ва Ҳамдам каналининг кенгайтирилганида ҳам иштирок этганмиз. Ўша кезларда бугунги техника, шарт-шароит қаерда эди дейсиз?



Ҳозир ҳамма нараса муҳайё. Худога шукр, сизлар, ажойиб бир замонда униб-ўсаяспсизлар, болаларим!

Адиб шукроналик кайфиятида, вилоятга қилган сафари ҳақида, юртимизнинг ҳар томонлама юксалиб, кўркига кўрк қўшилиб бораётгани хусусида сўзларди. Биз, йўловчилар бу қисқа фурсатдан унумли фойдаланиш мақсадида устозга турли-туман савол берардик, Худойберди ака ҳам атрофлича жавоб қайтариб борарди. Мароқли гурунг билан манзилга еганимизни ҳам билмай қолдик.

Ниҳоят, туман марказидаги болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси ёнида машинадан тушдик. Туман газетаси муҳаррири, бир гуруҳ мактаб ўқитувчилари, меҳнат фахрийлари, фермер ва ёш тадбиркорлар (бизнингча, улар китоб қаҳрамонлари бўлса керак) ҳамда мухлислар пeshвоз чиқди. Ичкарига кирдик. Адиб қарсақлар садоси остида бино саҳнаси томон тўрлар экан, ёш ўқувчилар кўзидан китобга, ёзувчи-шоирга бўлган хайрихоҳлик, меҳр учқунлари сачрарди. Бир неча дақиқада ана шу учқунлар издиҳом ҳароратини илитди гўё. Залда бўш ўриндиқ қолмади.

Китоб дунё юзини кўргунча бўлган машаққатли жараённинг гувоҳи сифатида туман ҳокими Рустам Убайдуллаев тадбирни очиб бераркан, адибга фидойилиги ва заҳматкашлиги учун миннатдорлик билдирди. Худойберди ака китобнинг эпизодидан иктибослар келтириб, вилоятда олиб борилаётган салмоқли ишлар хусусида, оҳангаронлик фермер ва ёш тадбиркорлар фаолияти мисолида касбга фидокорона

ёндашувнинг — меҳнатнинг меваси тотли бўлишини таъкидлади. Китобнинг дунё юзини кўришида ҳисса қўшган инсонларга раҳмат айтди.

Бирдан қарсақ чалинди. Адиб қувониб, деди:

— Мана, Маҳмуджон ҳам келди!

Халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг ташрифи бир кемтикликни тўлдиргандай бўлди. Шоир ҳам «Янги оҳангда куйлаётган вилоят» китобига муносабат билдирди:

— Худойберди аканинг шу табаррук ёшида бутун вилоятни айланиб, кутганимиздан-да ажойиб китоб ёзганлари кўп нарсани англатади. Азиз болажонлар! Худойберди Тўхтабоев бўлиш учун умрни, куч-қувватни, китобга бағишлаш шарт. Устоз каби фақатгина ота-онанинг эмас, миллатнинг, халқнинг ҳам ардоқли фарзанди бўлиш бахтига эришиш учун, албатта, ўқиш ва изланиш керак.

Учрашув савол-жавобларга, мушоирага улашиб кетди. Оҳангаронлик тенгдошларимизнинг ижод намуналарини завқ билан тингладик. Худойберди ака янги китобни туман ҳокимига тантанали равишда тақдим этди. Мухлислар китоб ёки дафтар олиб келиб, адиб эса дастхат қўйиб чарчамади. Эсдалик учун суратга тушилди.

— Халқимизнинг адабиётга ташналиги, адабиётни севиши мени қувонтиради, — дейди адиб.

Атоқли ёзувчининг сермазмун, ширин суҳбатини олиб, бир дунё таассуротлар билан катта шаҳарга қайтдик.

**Алибек ОМОНТУРДИЕВ,**  
«Turkiston» мухбири

Mutaxassis oghoh etadi

## Йўлим равон бўлсин десангиз...

Маълумотларга кўра, ер юзиде йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида йилига 1,5 миллионга яқин киши ҳалок бўлмоқда, жароҳатланганлар сони эса бундан 20-30 марта кўпдир. Кўрилаётган зарар эса мамлакатлар миллий даромадининг қарийб 2-4 фоизини ташкил этади.

Йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибати ҳар қандай мамлакат иқтисодиётига катта зарар етказиши. Энг ачинарлиси эса, йўл қўйилган хатолар инсон ҳаётига хавф солади. Шу боис ҳам ҳар бир давлат йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратади.

Республикамизда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш ишлари Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги қонуни ва ушбу қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган бошқа бир қатор қонуности ҳужжатлари, Президент фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ички ишлар вазирлиги ҳамда тегишли идораларнинг буйруқ

ва кўрсатмалари асосида олиб борилмоқда.

Замон талабидан келиб чиққан ҳолда тизимимизни янада такомиллаштириш, соҳага оид қонунларни либераллаштириш, фуқароларимизга, айниқса, ҳаракат иштирокчиларига қулайликлар яратиш, уларда ҳаракатланиш маданиятини шакллантириш, ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш борасида ҳам изланишлар олиб бораёпмиз. Жумладан, йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига» 2006, 2007, 2008, 2011 йилларда киритилган бир қатор янги нормалар самара бериб, оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишига ижобий

таъсир кўрсатди.

Қабул қилинган ўзгариш ва янгиликлар энг аввало ҳаракат иштирокчиларининг қонунлар олдидаги масъулиятини оширишга, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қоидабузарликларни камайтириш ва шу орқали инсонларнинг бевақт ҳалок бўлиши ва жароҳатланишининг олдини олишга йўналтирилган.

Таҳлиллар содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг кўпи ҳайдовчиларнинг белгиланган тезлик талабларини бузишлари оқибатида келиб чиқаётганини кўрсатмоқда.

Тезликни ошириш оқибатида содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари аксарият ҳолларда оғир оқибатларни келтириб чиқаради. Маълумки, агар транспорт воситаси соатига 60 километр тезликда ҳаракатланаётган вақтда тўқнашув юз берса, бунда ўртача 100та транспорт воситасидагиларнинг 30таси тан жароҳати олади, агар тезлик соатига 120 километр бўлса, жароҳатланганлар сони шундан 4 баробар кўп бўлар экан. Мана шу

рақамларнинг ўзи ҳам тезликни белгиланган меъёрдан ошириш қанчалик хатарли эканини кўрсатади.

Энг хавфсиз тезлик бошқа транспорт воситалари оқими билан бирга ҳаракатланишидир. Агар ҳайдовчи ўртача тезликка нисбатан ўз ҳаракатланишини соатига 40 километрга оширса, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиш хавфи 10 марта ошади.

Унутмаслик керакки, транспорт воситасидан фойдаланишдаги эҳтиётсизлик, «Йўл ҳаракати қоидалари»га риоя этмаслик, аксарият ҳолларда унинг талабларини билмаслик оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқаради. Бу ҳодисалар эса оилаларга бахтсизлик ва кулфат олиб киради. Кимдир отасидан, бошқа биров онасидан, яна кимлардир севимли фарзандидан бевақт жудо бўлиб, айрилиқ азобини тартади.

Албатта, бу йўқотишлар нафақат битта оилага, балки жамиятимизга ҳам катта зарар келтириши шубҳасиздир. Агар маълум

мотларга эътибор қаратадиган бўлсак, дунё бўйича йўл-транспорт ҳодисаларидан ҳар дақиқада 3 нафар одам ўлиб, 76 нафар киши турли тан жароҳатлари олар экан. Бир кунда ҳалок бўлаётганлар сони эса тўрт мингдан ошиб кетаяпти.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, халқимизнинг «Юзда юрма, юзга кир» нақли нечоғлик тўғри ва оқилона ўғит эканига ишонч ҳосил қиламиз. Юқорида баён қилинганлардан келиб чиққан ҳолда ўзингиз ҳулоса қилинг, азиз юртдош: юзда юрган яхшими ёки юзга кирганими?..

**Акmal ЮНУСОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
ИИБ ЙХХББ Матбуот  
бўлими инспектори,  
капитан







Milliy o'yinlar

## Лапартош ўйини ҳақида

*Қадиқда оммалашган болалар ўйинларидан бири — лапар ўйинидир. У қадиқий бештом, тўққизтом сингари тош ўйинларидан бири бўлиб, ўғил болалар ўрғасида кенг тарқалган.*

Мазкур ўйинда супта, текис, юпка, ярим кафтчалик келадиган кичик тош танлиниб, иккинчи — нишон қилиб тикилган худди шундай тош томон ўн қадам узокликдан улоқтирилади. Улоқтиришда нишонни тош билан уриб йиқитиш кўзда тутилади. Отганда нишонни йиқитишнинг иложи бўлмаса, улоқтирилган тош бориб тушган жойдан туриб, энди бола бармоқлари воситасида нишонни шу лапар билан уриши керак бўлади. Бунинг учун лапарчи энгашиб, тиззалаб оларкан, ўнг қўли ўрта бармо-

ғини ёзиб, учини ер бўйлаб лапартошга қадайдди. Иккинчи чап қўлининг ўрта бармоғи билан уни тутиб тураркан, ўнг қўл бармоғида лапарни куч билан илиб отади. Лапар тош ер бўйлаб, ёйинки ер узра ҳаволаб бориб, нишонга тегиши, уни йиқитиши лозим. Тегса яхши, ўйин давом этаверади. Тегмаса, ўйин навбати рақиб болага ёки рақиблар гуруҳига ўтади Лапар ўйини 100гача бўлган маррали ҳисоб билан ўлчаниб, тик туриб отгандаёқ нишонга тегизилса, бира-тўла 20 соққа, тегмай, ерга ту-

шириб, сўнг қаричлаб урилса, 5 соққадан берилган. Қайси томон 100 соққани олдин тўпла-са, ўша ютган ҳисобланади.

Лапартош ўйини болани ақлий жиҳатдан ҳисоб-китобга ўргатади, чама, режа, тўғри мўлжал олиш қобилиятини оширади. Жисмоний томондан эса, қўл-оёқ ҳаракатларини чаққонлаштириб, мускулларни ривожлантиради. Кўз (кўриш), қулоқ (эшитиш) сезгиларини ўткирлаштиради. Жамоада ўзини тутиш, муомала маданиятига ўргатади. Асосан, Қашқадарё вилоятининг Яққабўғ, Шаҳрисабз, Китоб туманларида ўйналиб келинган.

Санжар ИСМАТОВ  
тайёрлади.

### Tabassum

## «Пул-мул ҳам қолганмиди?..»

Саид Аҳмадининг 75 йиллиги нишонланаётган зиёфатда Фафур Гуломнинг қизи Олмос опа ёзувчини самимий табриклайди:

— Сиз хонадонимизнинг ўз фарзанди, худди акамдек бўлиб қолгансиз. Адамдан қолган шу табаррук дўшпини сизга совға қилмоқчиман. Аллоҳ адамнинг қолган умр-

ларини сизга берган бўлсин.

Саид Аҳмад ноёб дўшпини авайлаб бошига қўндира-кан, ногоҳ шундай ҳазил қилади:

— Қизим, адангдан пул-мул ҳам қолганмиди?

(Шодмон Отабекнинг

«Дўрмон ҳангомалари» китобидан)

### Ogohlik

## Гугурт ўйнаётган бола...

Бола — бола-да, у қўлига тушган ўйинчоқни ҳар кўйга солгиси келади. Ўйинчоқ машинача, копток ёки шунга ўхшаш безарар буюм бўлса — хўп-хўп, хавфли бирор нарса бўлса-чи? Масалан, минг афсуслар бўлсинки, фарзандининг гугурт ўйнаб ўтиришига бефарқ қараб турадиган ота-оналар ҳам топилади. Ёнғин ҳолатлари таҳли-ли шуни кўрсатадики, бу офат юз

беришига гоҳида болалар ҳам сабаб бўлиб қолаётди.

Бу ҳолат барчамизни хушёрликка ундаши табиий. Айрим ота-оналар фарзандига ортикча ишониб, уларни уйда қаровсиз қолдириб кетади. Уйда қолган бола нима қилади? Албатта, катталар қилган ишни қилади. Электр анжомлардан фойдаланади, газни ёқади...

Шу боис жамоатчилик билан ўтказган йиғилишларимизда ота-оналарга фарзандларига янада кўпроқ ва жиддийроқ эътибор қаратишларини, уларни уйда қаровсиз қолдирмасликларини, ўт билан ўйнашишларига йўл қўймасликларини маслаҳат берамиз. Чунки кичкина эътиборсизлик, лоқайдлик туфайли катта қўнгилсизлик келиб чиқиши ҳеч гап эмас. Ҳамиша огоҳу хушёр бўлайлик, азизлар.

**Б.АНДАБОЕВ,**  
**Тошкент шаҳар**  
**13-ХҲХ алоҳида пост**  
**инспектори, кичик сержант**

## Мумтоз адабиёт дурдоналари

Фафур Гулом

## Ёпқичга ямоғлиқ

Кўқонлик Худоёрхон замонасининг машҳур қизиқчи ва лофчиларидан Зокир Гов тошкентлик лофчилардан Жўра Нилгарнинг уйига меҳмонга келмоқчи бўлибди. Бу саёҳатдан мақсад — Жўра Нилгарни лофда енгмоқлик экан. Тошкентга келиб унинг эшигини қоқибди. Эшик орқасидан аввалига “Хув-в-в” деган хипча овоз эшитилиб, орқасидан эшикнинг зулфи тушиб саккиз-тўққиз ёшлардаги жамалакжинни бир қиз кўри-нибди.

- Аччаломалайтум, телинг, амати?
- Сан кимнинг қизисан?
- Жўрайнинг.
- Даданг қаерда?
- Самарқандда тетганлар.
- Нима ишга?
- Шарифжон аматим билан гаплашгани.


— Э аттанг, аттанг, — дебди Зокир Гов, — бўлмаса аянга кириб айт: мен дадангнинг ўртоғи кўқонлик Зокир Гов бўлман. Сизларни кўргали келиб эдим, қўлим қуруқ эмас. Сизларга бир гилам совға қилмоқчи эдим. Гиламнинг бир боши Тошканинг Ўқчи дарвозасига кириб келди, этагини Кўқонда йиғиштиришяпти. Ана шунақа, қизим...

Шунда қизгина Зокир Говнинг бўйнидан ачомлаб:

— Вой аматидинамдан айланай! Яқинда тандир ёпқичимизга чўғ тушиб ўйилиб қолган эди. Сизнинг совға гиламингиз шу жойга ямоққа етар экан, — дебди.

Шунда Зокир Гов: “Э-ҳа, қизининг лофи шу бўлса, дадаси билан гаплашиб бўпман”, деб Кўқонга қайтиб кетибди.

1964 йил



«Шунда болалар кундан-кун ўтиб, ойдан-ой ўтиб, бирдан иккига кириб, иккидан учга кириб, буларнинг тили чиқиб, элга эниб, тили чиққандан қай, элга энгандан қай, тутиб учовини ҳам мактабга қўйди. Булар мактабда ўқиб юриб етти ёшга кирди. Бурро саводи чиқиб, хат ўқиб-ёзадиган мулла бўлди...»

«Алломиш» дostonидан олинган мазкур матнда Ҳакимбек, Қалдирғоч ва Ойбарчиннинг таълим олгани ҳақда қилинган. Шундан сўнг дostonнинг бош қаҳрамони — Ҳакимбек ҳаётида нафақат ўзининг, балки яқинларининг, бутун бир халқнинг тақдирида муҳим бўлган воқеа юз беради.

**Айтинг-чи, у қандай воқелик эди?**

Жавобингизни **3 март соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97** рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган муҳлислар номи газетамизда эълон қилинади. Саволларга энг кўп тўғри жавоб толган муштарийлар йил якунида қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

**Ўтган сондаги саволнинг жавоби:**

**Рустам Қосимжонов.**

Тошкент шаҳридан Нилуфар Маҳмарайимова тўғри жавоб йўллади.

### Тлафаккур қилмондан бир қаёғра

Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади.

**Абу Райҳон Беруний**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети «Ғарб тиллари» кафедраси ўқитувчиси Султонқулов Ғайратжон Мухторович моддий жавобгарлигидаги В № 670019 серияли бакалавр дипломи бланкиси ва икки дона бакалавр дипломи иловалари йўқолгани маълум қилинади.

### МУАССИС

«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ  
ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон  
Республикаси  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2007  
йил 19 апрелда  
№ 0242 рақам билан  
рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998



91772010699000

### БОШ МУҲАРРИР

Каримов  
Фахриддин Турдалиевич

### Тахрир хайъати

Баҳодир Ғаниев, Меҳриддин Шуқуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишоннов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

### Навбатчи муҳаррир

Юсупов  
Рустам  
Кўчқорович

### Саҳифаловчи

Рўзиев  
Зафар  
Хусанович

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Тахририят манзили: 100029, Тошкент,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:  
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69  
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табок. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: **203, 3203**  
Баҳоиси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-256.  
Адади — 11261

Босишга топшириш вақти — 21.00  
Тоширилди — 23.50  
ЎЗА якуни — 21.55

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5